Ушбу сонда:
2 Қурултойдан кейинги ўйлар — МАҲАЛЛАДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ
3 Қонун барчага баробар — «ҚАРЗДОР»ЛАРНИНГ СУЯНЧИҒИ КИМ?
4 Оила даврасида — СЕНДА АЙБ ЙЎҚ, АЗИЗА

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 22 ноябр, сешанба № 187 (2028)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## КИЧИК КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

***Данғара туманида нефть, газ ва кимё саноати учун зарур бўлган махсус ўрама қопламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Rubber Industries - Plus» кичик корхонаси иш бошлади.***

*Россиянинг «Инпром» масъулияти чекланган жамияти кўмаги билан корхонага энг замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди.*

*- Барча ишлар компьютерлар ёрдамида бажарилади. Уларни 25 нафар йигит-қиз бошқармоқда, - дейди кичик корхона раҳбари Алишер Устамадалиев. - Хом ашёни асосан Россиядан олиб келяпмиз.*

*Айни кунларда янги корхонада иш қизғин. Маҳсулотларни ички бозорга етказиб бериш билан бирга хорижий давлатларга ҳам экспорт қилиш режалаштирилган.*

**М.СУЛАЙМОНОВ**

## ТОШКЕНТ ЖАҲОН ПОЛВОНЛАРИНИ КУТМОҚДА

***Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли бугун юртимиз ҳақли равишда дунёнинг йирик спорт марказларидан бирига айланди. Мамлакатимиз қатор спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари, жаҳон кубоги мусобақалари ҳамда кўплаб бошқа нуфузли халқаро турнирларга мезбонлик қилиб келмоқда.***



Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда ушбу пурмаъно сўзларнинг исботини амалда кўряпмиз. Хусусан, истиқлол йилларида боксчилардан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткир Ҳайдаров, Артур Григорян, юнон-рум курашчиси Дилшод Орипов, Александр Доктурашвили, эркин кураш усталари Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, дзюдочи Абдулла Тангриев, спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида ғолибликни қўлга киритиб, юртимиз довруғини дунёга ёйди.

Жорий йилнинг 26-27 ноябрь кунлари Тошкентда яна бир йирик спорт тадбири - кураш бўйича бешинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари сингари курашни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг самараси ўларок, ўзбек кураши халқаро миқёсда жадал ривожланмоқда. 1998 йил 6 сентябрда ташкил этилган Кураш халқаро ассоциациясига (КХА) бугун 77 мамлакатнинг кураш федерацияси аъзо.

КХА тузилганига эндигина етти йил тўлган бўлсада, ўтган давр мобайнида у халқаро майдонда ўз мавқеини мисли кўрилмаган даражада юксалтира олди. Ўзбек курашининг янги спорт тури сифатида шиддат билан оммалашуви, умуминсоний қадриятга айланиши жаҳон спорт оламидаги улкан воқеадир.

Кураш қоидасига кўра, полвонлар ҳаракати «Таъзим», «Кураш», «Ҳалол», «Ёнбош», «Чала», «Ғирром» каби атамалар билан аталади. Қувончли жиҳати, айни пайтда жаҳон халқлари ўз луғатларини мазкур ўзбекона сўзлар билан бойитдилар.

Америка, Африка, Европа, Осиё ва Океания қитъасида ўзбек кураши бўйича минтақавий конфедерациялар ташкил этилган. Мазкур қитъа мамлакатларида кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларни мунтазам ўтказиш анъанага айланди.

Яқинда КХА штаб квартирасига Лондон шаҳридан яна бир хушхабар келди. Буюк Британия Кураш ассоциацияси ташаббуси билан Англияда курашга бағишланган махсус сайт очилди. Унда кураш тарихи, нуфузли турнирлар ҳақида ранг-баранг маълумотлар ва фотосуратлар ҳам берилган. Миллий курашимизни тарғиб этувчи бундай сайтлар Япония, Бразилия, Канада, Эрон, Жанубий Африка Республикасида ҳам очилгани кишига ғурур бағишлайди.

Катталар ўртасида ўзбек кураши бўйича дастлабки жаҳон чемпионати 1999 йили мамлакатимизда ташкил этилган эди. Сўнг бундай чемпионатлар 2000 йили Туркияда, 2001 йили Венгрияда, 2002 йили эса Арманистонда ўтказилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Кураш халқаро ассоциацияси ташаббуси билан ўтказиладиган бешинчи жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, навбатдаги мусобақада иштирок этиш учун юртимизга етмишга яқин мамлакатдан 400 нафар полвон келиши кутилмоқда.

Мусобақада таниқли ўзбек полвони қитъа чемпиони Абдулла Тангриев, 1998 йил мамлакатимизда Президент соврини учун ўтказилган илк халқаро турнир ва 2000 йил Туркияда ўтган жаҳон чемпионати ғолиби туркиялик Селим Тотар ўғли, Осиё чемпионати ва халқаро турнирлар совриндори эронлик Саид Хесрави Нежат каби номдор полвонлар гиламга чиқади. Беллашувларда спортчилар эркаклар ўртасида саккиз, хотин-қизлар ўртасида эса тўққиз вазн тоифасида куч синашади.

Чемпионат доирасида Кураш халқаро ассоциацияси ва Ижроия қўмитасининг йиғилиши ҳамда VI Конгресси ўтказилади.

**Қ.ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ ҚОМУСИ

***Ҳуқуқий демократик давлатда ҳамма ҳаракатларимиз парламент яратган, халқ муҳокамасидан ўтган ва депутатларимиз томонидан қабул қилинган қонунлар воситасида тартибга солиб турилади. Бу қонунлар касб фаолиятига боғлиқ, муайян хизмат турига алоқадор бўлиши мумкин. Барча қонунларни тушуниш, риоя қилиш учун битта калит бор. Бу - Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир.***

Асосий Қонунимизни барча ёшдаги ватандошларимиз яхши билишлари керак. Айниқса, катта ҳаёт бошида турган ёш авлод, энг аввало, шу муҳим ҳужжатни юрак-юракдан англамоғи шарт. Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Миллий валюта, Байроқ, Герб, Мадҳия, Конституция каби давлат ва халқнинг рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир». Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги фармойиши катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Конституция аввало давлатнинг асосий қонуни бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг қиёфаси ва нуфузини белгилаб беради. Ана шу қонунлар мажмуи орқали давлатни давлат, миллатни эса миллат сифатида дунё тан олади. Конституциямиз халқ иродаси ва шуурини, ижтимоий онги ва маданий даражасини акс эттиради, зотан, унинг тайёрланиши ва муҳокамасида бутун халқимиз иштирок этди. Дарҳақиқат, Конституция - халқ тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.



Конституция лотинча «constitutio» сўзининг таржимаси «низом, қоидалар» деган маъноларни англатади. Шундай саволга жавоб бериб ўтсак: конституция нимани белгилаб беради? Конституция жамият ва давлат тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тузиш ҳамда фаолиятининг асосий принципларини, уларнинг ваколатларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаб беради. Шуни таъкидлаш кераккки, қолган барча қонунлар, кодекслар, қарорлар ва Фармонлар Конституция негизида ва унга мувофиқ тарзда қабул қилинади. Бу эса давлатнинг ҳар бир норматив ҳужжати Конституцияга мос келиши шарт эканлигини англатади.

Умумий принципларни ўзида мужассам этган Конституция қоидалари, шунингдек, давлатда мавжуд барча ҳуқуқ тармоқларида ҳам ривожланади. Бунинг тасдиғини билиб олиш мақсадида мамлакатимиз Конституцияси бобларидан бирига, масалан, оилага бағишланганига мурожаат қилсак. Мазкур боб атиги тўртта моддадан иборат. Гўё улар жуда оздек туюлади, аммо уларда мужассамлаштирилган ғоялар оилавий ҳуқуқнинг бошқа нормаларида конкрет равишда ривожлантирилади. Башарти, Оила кодекси 238 моддадан иборат. Фуқароликка бағишланган VI бобда атиги учтагина модда мавжуд, холос. Шу билан бирга, «Фуқаролик тўғрисида»ги қонун 45 моддадан таркиб топган.

Ушбу мисоллар Конституция асослар негизи бўлиб хизмат қилишидан далолат беради, негаки, ҳуқуқ ривожланиши айнан Конституциядан бошланади, айнан унинг ўзи бошқа барча қонунлар ва юридик нормаларга ҳаёт бахш этади. Конституциянинг олий юридик кучи ҳам айнан шунда намоён бўлади. Айтиб ўтилганидек, қолган барча ҳуқуқий қоидалар ундан келиб чиқади ва Конституцияга мувофиқ бўлмоғи лозим.

Давлат мустақиллигига эришишимиз Ўзбекистонга иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланишнинг улкан истиқболларини очиб берди. Озодликни қўлга киритган ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият қуришга, давлат ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқишга интилади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий тамойиллари - республиканинг ўзига хос хусусиятларини, халқ анъаналарини ва миллий урф-одатларини, кишиларнинг турмуш тарзини ҳисобга олувчи ўз йўлига қатъий ва изчил амал қилишидадир.

Мамлакатимиз раҳбари И. Каримовнинг асарларида республикамизда янги ижтимоий тузумга ўтишнинг пухта ўйлаб кўрилган қоидалари ишлаб чиқилган. Бу тараққиёт йўли Конституциямизга асослангандир. Бизнинг ҳуқуқий сиёсатимиз ўз миллий давлатчилигимизни, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни камолот чўққисига олиб боришга қаратилган.

Ёш давлатимиз шаҳдам ва дадил қадамлар билан, жаҳон ҳамжамияти аъзоси бўлмиш мамлакатлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топиб, одимлаб бормоқда. Ватанимиз ўзлигини намоён этишга мустақиллик ва ҳуррият шарофати-ла эришди. Ҳар бир давлатнинг давлат сифатида қайтарилмас ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи Асосий Қомуси бўлади. Жамиятни умумбашарий қадриятлар асосида ташкил этишда Конституциянинг аҳамияти беқиёсдир. Асосий Қонун ўз моҳият эътибори билан ҳар қандай демократик жамиятнинг бош белгиларидан бири бўлиб, унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, фаолиятини ташкил этишнинг мезоний қоидалари ифода этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни эълон қилди. Ҳуқуқий давлатни қонуннинг устувор ва мустаҳкам нуфузга эга бўлишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов бу ҳақиқатни Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт сиёсатига асос қилиб олди.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ислоҳот мевалари*

## 90 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

***Туронзаминнинг қадимий масканларидан бири – Манғит Амударё қирғоқларида жойлашган. Неча минг йиллардан бери эл-юртга об-ҳаёт ва ризқ улашаётган асов Жайҳун ҳосилдор далалар ва мевазор боғ-роғлар оралаб, жўшиб оқади.***

Улкан наҳр қирғоқларидан тарихнинг қанчадан-қанча сиру синоатларига гувоҳ бўлган Манғит шаҳрини томоша қилиш нақадар гаштли. Бирбиридан кўркам иморатлар узра порлаган минглаб электр чироқлари дарё сувида юлдузлар аксидек жилоланади. Жанубий Оролбўйининг кўҳна маконларидан ҳисобланган гўзал гўша Буюк Ипак Йўли чорраҳасида жойлашган. Бир ёни қўшни Туркманистон, иккинчи томони қадимий ва ҳамиша навқирон Хоразм заминига, Қизилқум чўлларига туташиб кетган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Амударёдан яна карвонлар ўтиб, Мағрибу Машриққа қатнай бошлади. Истиқлол шабадалари кўнглини мунаввар этган манғитликлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Инсон азиз, хотираси ундан ҳам қадрли. Қишлоқ ва овулларни ободонлаштириш ва халқ хўжалигини юксалтиришга беқиёс меҳнати сингган Турсунбой Сержонов, Ойим Камолова, Отажон Худойбергенов, Йўлдош Ўрозбоев, Мадиёр Пирманов каби эл ёшуллиларининг номи ҳамон миннатдорчилик билан хотирланади. Оталар жасорати фарзандлар мероси эканлигини қалбдан ҳис этган бугунги ёшлар кекса авлод бошлаган қутлуғ ва хайрли юмушларни садоқат билан давом эттирмоқдалар.

Туманда ҳар йили 11 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилаётган экан. Бунда «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» Камол Раҳимов раҳбарлик қилаётган «Юлдуз» очиқ акциядорлик жамиятининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Бир асрлик тарихга эга йирик корхона бундан уч йил муқаддам мукаммал таъмирланиб, иш жараёни қисқа технологияга ўтказилди.

Халқаро Сифат марказининг Олтин юлдузига сазовор бўлган аҳил жамоада одамлар манфаати ҳамиша устувор. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 56 минг сўмга етди. Ҳар дона акцияга 2248 сўмдан дивидент тўланди. Ходимларга бепул иссиқ овқат, сут ва сут маҳсулотлари тарқатилаяпти.

Тайёрланган 6697 тонна пахта толасининг 90 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинаяпти. Заводнинг тикувчилик ва нотўқима матолар цехларида 92 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Туманда аҳолига 15 миллиард 248 миллион сўмлик озиқ-овқат ва саноат моллари етказиб берилди. 2 миллиард 887 миллион сўмлик қурилиш ускуналаш ишлари амалга оширилди. 159 квадрат метр савдо, 60 ўринли умумий овқатланиш шохобчалари ишга туширилди. 9,5 километр табиий газ, 9,8 километр ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Халқ таълими бўлимига қарашли 89 та умумтаълим мактаби, 2 та лицей, 4 та касб-ҳунар коллежи, 52 та болалар боғчаси фаолият кўрсатаяпти. 11 та умумтаълим мактабини таъмирлашга бюджет томонидан 55,5 миллион, ҳомийлар маблағидан 22 миллион сўм сарфланди. 40 миллион сўмликдан ортиқ дарсликлар ва ўқув жиҳозлари олиб берилди. «Хитой», «Тўлқин», «Қиличбой» овулларида янги мактаблар қуриб битказилди.

Халқ саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилган. Аҳолига 450 ўринли марказий шифохона, ҳар бири 50 беморга мўлжалланган 3 та участка касалхонаси, 60 ўринли сил касалликлари диспансери хизмат кўрсатмоқда.

Жаҳон Тараққиёт ва Ривожланиш банки томонидан «Саломатлик-I» ва «Саломатлик-2» дастурига киритилган 9 та врачлик пунктлари таъмирдан чиқарилиб, ҳар бирини жиҳозлашга 17 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Янгидан 139 та кичик корхона ташкил этилди. Тадбиркор тижорат банклари томонидан 140,5 миллион, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан 82,4 миллион сўмлик кредит ажратилди. Манғит ип-йигирув ва тўқув фабрикаси қайта таъмирланиб, йилига 7,5 миллион дона пайпоқ ишлаб чиқарадиган йирик корхонага айлантирилди.

Амударё тумани Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб деҳқончиликда тўлиқ фермерликка ўтди. Ғўза етиштириладиган 13 минг 700 гектар ер фермерларга ажратиб берилди. Жорий йилда 35 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилиб, шартнома режаси ошириб бажарилди. Пахтачиликдан олинадиган ялпи даромаднинг 9,6 миллиард сўм бўлиши кутилаяпти. Унинг 1,8 миллиард сўмини соф фойда ташкил этади. Бу маблағ иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилади.

Мен бошқараётган «Сапохўжа бобо» фермер хўжалиги 107 тонна ўрнига 220 тонналик хирмон яратди. Олинган фойдадан овулдаги 15 километр йўлни соzладик, 2 та дала шийпони қурдик, 3 та босма кранли қудуқни ишга туширдик. 44-умумтаълим мактабни таъмирладик, дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб беришга 3 миллион сўм маблағ сарфладик.

Тумандаги «Ерлепес» фермер хўжалиги раҳбари Ерлепес Бобониёзов чорвачилик билан шуғулланади. Фермер ўзи етиштирган гўшт ва сут маҳсулотини шифохона ва болалар боғчаларига етказиб бераяпти. У ўз ҳисобидан хўжаликдаги болалар боғчасини таъмирлади, овулдаги ўрта мактабнинг 1-4 синф ўқувчиларига дарсликлар тақдим этди.

«Тўлқин» фермер хўжалиги раҳбари Биҳожар Бийдашева, «Йўлдошев Умидбек» фермер хўжалиги раиси Отабек Йўлдошев, Улуғбек фермер хўжалиги бошлиғи Улуғбек Ўрозбоевлар ҳам пахтачиликдан келган фойда ҳисобига кам таъминланган оилалар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотни 87,6 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган уч йил ичида қишлоқ мулкдорлари даромадлари эвазига 300 дан ортиқ ҳайдов ва чопиқ тракторлари сотиб олдилар.

Оролбўйининг чекка овулида яшайдиган фуқаролар жаҳоннинг ҳамма бурчаклари билан сим орқали сўзлашмоқдалар. Япония давлати кредитлари ҳисобига шиша толали кабеллар тортилиб, электрон автомат телефон станциялари барпо этилди. Туманда 4 минг 300 дан ортиқ телефон нуқталари ишлаб турибди. Кунчиқар мамлакатининг «Хуабей» компанияси ускуналари ёрдамида бехато хизмат кўрсатилиб, мижозларни дунёнинг хоҳлаган нуқтаси билан боғланиши учун имконият яратилган. Яқин кунларда «Ўзбекмобайл»нинг симсиз телефонлари ишлай бошлайди.

Халқимизда оққан дарё оқаверади, деган ибратли нақл бор. Элим деб, юртим деб яшаётган амударёликларнинг қалби Жайҳун каби жўшқин ва уйғоқ. Туғилган ерига, Она заминга меҳр-муҳаббати чексиз Оролбўйи одамлари халқ фаровонлиги, ватан ободлиги йўлида фидойи меҳнат қилмоқдалар.

**И.ХЎЖАМЕТОВ,**
**Амударё туманидаги «Сапохўжа бобо» фермер хўжалиги раҳбари**

## КЎРКАМ, ЎЗИГА ХОС

Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази янги бинога кўчиб ўтди. Уни «Навоий қурилиш-монтаж таъмирлаш трести» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этди.

Бу ерда сертификатлаштирилаётган маҳсулотлар намуналари ва қиёсланаётган ўлчаш воситаларини қабул қилиш хоналари, ўлчаш воситаларини қиёслаш лабораторияси, паст кучланишли электр ускуналарини синаш лабораторияси ҳамда сертификатлаштириш ва сифат тизимини жорий этиш бўлимлари ходимларининг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар яратилди. Янги бино замонавий талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

## ЎЗБЕКИСТОНДА АҚШ ҲАРБИЙ БАЗАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛДИ

Душанба куни Ўзбекистонда АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий контингентининг «Хонобод» авиабазасида бўлишининг тугаши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.

Маросимда Ўзбекистон томонидан генерал-майор Алишер Собиров, Америка томонидан полковник Мак Ковер иштирок этди. Ёпилиш маросими АҚШ давлат байроғининг туширилиши билан бошланди.

«Полковник Мак Ковер генерал-майор А.Собировга АҚШнинг миннатдорлик сўзлари битилган ёрлиғи ҳамда учбурчак шаклида тахланиб, махсус рамкага жойланган давлат байроғини топширди. Бундан ташқари, ўзбекистонлик айрим ҳарбий хизматчиларга ёрлиқлар топширилди»,- дейилади Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати хабарида.

АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларининг сўнгги самолёти «Хонобод» авиабазасини кеча Тошкент вақти билан соат 15.40 да тарк этди.

**(ЎзА)**

*Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

## БАРЧА БИРДЕК манфаатдор

***Ҳар бир ишчи меҳнатига яраша манфаатдор бўлишни истайди. Унга етадиган манфаат қўшимча иш ҳақи, мукофот, имтиёз тариқасида бўлиши мумкин. Иш унуми ва рағбатлантириш ўртасида ўзаро мутаносиблик бўлгандагина ҳар томонлама ривожланишга эришиш мумкин. Корхонамизда айни ана шу қоидага қатъий амал қилинмоқда.***

Аста-секинлик билан бўлса-да, ишлаб чиқариш йил сайин ўсиб бораяпти. Соф фойда кўпайиши ижтимоий масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш имконини бермоқда. Бошқача айтганда, жамоа шартномасига киритилган ижтимоий имтиёз ва кафолатларни амалда қўллаш мумкин бўлаяпти. Унинг биринчи ярим йилликда бажарилиши таҳлил қилинганда, бу борада ижобий ўзгаришлар борлиги кўринди. Корхонада ҳуқуқшунос лавозими жорий этилганининг ўзиёқ анча-мунча масалаларда қонунийлик таъминланишига, ходимларга малакали маслаҳат берилишига олиб келди. Ҳуқуқини билган кишилар ўз бурчларини ҳам англаб етадилар.

Иқтисодий имкониятлар яхшилангани боис корхонада ишчиларга ғамхўрлик кўрсатишни кучайтира бориб шу йилнинг ўзида зарарли иш шароитида ишлайдиганларнинг иш ҳақига тўланадиган қўшимча ҳақ 6 фоиздан 24 фоизга етказилди, уларнинг иш вақти (кунлик) бир соатга қисқартирилди. Барча ишлаб чиқариш бўлим, (цех)ларида ишчилар учун ювиниш, дам олиш, овқатланиш, аёллар учун гигиена хоналари ташкил этилди. Биринчи ёрдамга зарур дори-дармонлар билан таъминланди. Фаолият юритаётган тиббиёт масканида терапевт ва тиш шифокори иш олиб боради. Уларнинг иш вақти корхонадаги иш давомийлигига мослаштирилди. Ходимларнинг тоифаларига, эҳтиёжига қараб ижтимоий таътилларнинг ўнга яқин турлари жорий қилинди ва амалда қўлланилаяпти.

Ишни талаб даражасида ташкил этишда касаба уюшма қўмитаси комиссияларининг фаолияти диққатга сазовор бўлмоқда. Шунинг натижаси ўларок ишловчи хотин-қизларга барча шароитлар муҳайё қилинди. Имтиёз ва кафолатлар амалда қўлланилмоқда. Корхонамиз спорт жамоаси «Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида ўтказилган тармоқ мусобақаларида вилоятда биринчи, республикада учинчи ўрнини эгаллади. Қисқаси, барча жабҳаларда олдимизга қўйилган вазифаларни тўла-тўкис бажаришга, ходимларга ғамхўрлик кўрсатиш орқали уларни унумли меҳнат қилишга рағбатлантираяпмиз. Республика касаба уюшмаларининг навбатдаги анжумани энг долзарб вазифаларни белгилаб берди. Уларни бажариш йўлидаги ҳаракат касаба уюшмалари фаолиятини янги поғонага кўтаради, албатта.

**С.НОСИРОВ,**
**Самарқанддаги «8 Март» очиқ акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси**

# ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ ҚОМУСИ

(Боши 1-бетда)

Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси кўп асрлик ҳуқуқий тарихимиз ва маданиятимизнинг маҳсули бўлиб, у миллий давлатчиликнинг ички ва ташқи ривожланиш субъекти сифатидаги мустақиллиги ва ўзига хослиги талабларига жавоб беради. Асосий Қонунимиз мустақил конституциявий ривожланишнинг муҳим босқичидир. Конституциянинг қабул қилиниши, мамлакатда демократик конституциявий тузумнинг, мамлакат фуқаролари ҳаётининг маданий, соғлом ва оқилона асосларининг мустаҳкамланиши, Конституцияга, ҳуқуққа ва қонунга ҳурматни, дўстлик ва ижтимоий бирдамликни тарбиялаш, моддий фаровонлик ва маънавий тикланиш янгиланаётган Ўзбекистонда бошланган конституциявий жараённинг таркибий қисмларидир.

Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда. Шундай экан, бу мамлакатда демократия қай тарзда татбиқ этилади? Бу саволга Асосий Қонунимиздаги 13-модда (II боб, халқ ҳокимиятчилиги) жавоб беради: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Мазкур сатрларда иймон ва диёнатни қалб шиори қилиб олган ота-боболаримиз мероси, жамиятдаги жамики неъматларни инсоннинг фаровон турмуши учун йўналтираётган давлат ғамхўрлиги




мужассам. Албатта, бу сўзларни юракдан англаган одам бутун вужудини, иқтидори ва қобилиятини она Ватанга сарф этиши муқаррар. Инсонни олий қадрият санаган мамлакатда вайронкорлик эмас, балки бунёдкорлик ғоялари юқоридаги эзгу фикрларни давом эттиради.

13-моддада белгиланган меъёр Конституциямизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларига бағишланган X бобида махсус тарзда янада мустаҳкамланган. Яна бир мисол. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми 1-бўлимида «Шахсга қарши жиноятлар» учун жавобгарлик белгиланади. Бунда шахснинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий эркинлигига, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши қаратилган жиноятлар, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар учун қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган.

Демак, инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади. «Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири, — деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади».

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**«Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази директори, сиёсий шарҳловчи**





Самарқанддаги «Кинап» корхонаси ўз фаолиятини собиқ шўро даврида бошлаган эди. Лекин кейинги ўзгаришлар корхона ишига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Натижада, у анча йиллар ишламай туриб қолди.

Шу йилнинг иккинчи ярмида «Кинап» қайта иш фаолиятини бошлади. У дастлаб уч юз, ҳозир эса беш юз эллик нафар ишчига эга. Айни кунларда улар корхона цехларида электр ўлчагичлар, трансформаторлар, радио аппаратуралар, товуш кучайтиргич, пайвандчи столи, светофор макети, электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқармоқда.

Бундан ташқари, у «ELXOLDING» ва «Стеклопласт» корхоналари билан биргаликда буюртма асосида ўқув даргоҳлари хоналарини тўлиқ жиҳозлаб беряпти. Янги йилдан эса корхонада 3-5-8 Квт токни маромида сақлаб берадиган асбоблар, автомобилсозлар учун радио карнайлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

***Суратларда: уста Бахтиёр Бердихолов; ускуна йиғиш бошлиғи Татьяна Костичева ва ўровчи Юля Осипова.***

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

*Биздан сўраган эдингиз*

# ЗАРАРЛИ МЕҲНАТ ШАРОИТИ ВА ИМТИЁЗ

***Бугунги кунда компьютер кириб бормаган соҳанинг ўзи бўлмаса керак. Унинг имконият доираси ҳам ҳаммага маълум. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳатто ишлаб чиқариш ҳам компьютерда амалга оширилади.***

Афсуски компьютернинг беқиёс фойдаси баробарида зарарли томонлари ҳам талайгина. Жумладан, экран дисплейи олдида узоқ вақт ишлаш органларнинг зўриқишига, чарчашига, кўриш қобилиятининг пасайишига, бел ва умуртқа поғонаси, бўйин атрофи, қўллар ва аъзоларнинг зўриқишига олиб келади. Шу боис давлатимиз томонидан компьютерда ишловчилар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича қатор қарорлар ишлаб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1996 йил 19 мартда тасдиқланган Низомга кўра ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқтирувчанлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг гигиеник тафсифига асосан компьютер техникасида ишловчи меҳнатнинг хавфлилик даражаси иккинчи туркумга киради. У меҳнат шароитлари, муҳит ва меҳнат жараёни омиллари шундай даражалари билан ажралиб турадики, улар иш жойлари учун белгиланган гигиена нормаларидан ошмайди, организм функционал ҳолатларида содир бўладиган ўзгаришлар тартибга солинган дам олиш вақтида ёки кейинги смена бошлангунга қадар тикланади. Шунинг учун бу туркумдаги меҳнат шароитларида ишловчиларга имтиёзли шароитда пенсияга чиқиш назарда тутилмаган. Бу тоифа ишловчиларга имтиёзли соликқа тортиш қоидалари ҳам татбиқ қилинмайди. Сабаби Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 12 майдаги ва 1995 йил 1 мартдаги қарорларига кўра имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар, лавозимлар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 1,2 ва 3-сонли рўйхатларидаги зарарли, оғир ва ўта зарарли касблар тоифасига киритилган касбларгина тааллуқлидир.

Баъзи корхона ва ташкилот раҳбарлари компьютер техникасида ишловчиларга зарарли меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун қўшимча ҳақ ва махсус сут-қатиқ бериладими, деган савол билан тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун олдинги қонунчиликда қўшимча ҳақ тўлаш айрим соҳаларда мавжуд эди. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида қўшимча ҳақ тўлаш назарда тутилмаган. Аммо Ўзбекистон республикаси бош давлат санитар хизмати томонидан 1996 йил 19 мартда тасдиқланган зарарли меҳнат шароитларида ишловчи ишчи-хизматчиларга бепул сут-қатиқ ёки шунга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бериш бўйича тиббий кўрсаткичлар асосида амалга оширилади. Бунда қўрғошин таъсиридаги ишларда банд бўлган ходимларга махсус сут-қатиқ берилиши тавсия қилинмаган.

Яна бир асосий масала мазкур қарорда ишлатилган «бевосита банд бўлган» деган атамага алоҳида эътибор бериш ўринлидир. Бунга компьютерда матнларни териш ёки муайян тартибда жойлаштириш, дастурлар тузиш, компьютер графикасини бажариш ва шу сингари ишлар билан банд ходимлар киради. Бошқа меҳнат вазифаларини бажаришга сарфланган вақт шунингдек, санитария нормаларида назарда тутилган иш асносидаги тегишли танаффуслар мазкур муддатга кирмайди.

Маълумки, ҳозирда кўпгина иш жойлари компьютер техникаси билан жиҳозланган. Бу ҳолат мазкур хизматларнинг айрим юмушларини компьютерда бажарадиган ходимларга ҳам тўрт соатлик иш куни белгиланиши керак, деган маънони англатмайди.

Ходим у ёки бу юмушни компьютерда бажарар экан, унга қандайдир даражада зарарли омиллар таъсир этади. Бу ходимнинг соғлиғига қанчалик таъсир кўрсатиши унинг компьютер билан бевосита мулоқотда бўладиган вақтига боғлиқ. Агарда меҳнат шартномасида ходимнинг вазифасига компьютерда ишлашдан ташқари бошқа ишларни бажариш ҳам киради, деб келишилган бўлса, бундай ходимларнинг иш куни қисқартирилган муддатга бўлган ҳуқуқи мазкур иш жойини меҳнат шароитлари ва зарарлилик даражаси бўйича аттестациядан ўтказиш йўли билан аниқланади.

Аниқроқ қилиб айтганда, бошқа ўлчовлар билан бир қаторда мазкур ходимнинг иш вақти хронометраж қилинади ва унинг натижаларига қараб компьютерда керакли юмушлар бажарилишига кетадиган умумий (соф) вақт аниқланади. Белгиланган тартибдаги ўлчовлар натижалари асосида мазкур иш жойининг зарарлилик туркуми ва даражаси услубиятнинг тегишли жадвалига кўра ходимнинг қисқартирилган иш куни ва қўшимча таътил белгиланишига бўлган ҳуқуқи аниқланади. Иш кунининг қисқартирилган муддатини белгилашнинг бу тартиби корхона қайси мулк шаклида ва халқ хўжалигининг қанақа тармоғига тааллуқли эканлигидан қатъий назар барча ходимларга татбиқ этилади.

**Ш.МАТЮСУПОВ,**
**Хоразм вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнат шароитлари Давлат эксперти**

*Қурултойдан кейинги ўйлар*

# МАҲАЛЛАДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида юртимизда демографик жараёнларнинг қандай кечаётгани, меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар, ёшлар муҳофазаси хусусида атрофлича фикр юритилди. Истиқболли режалар белгиланди.

Бу юмушларни қай йўсинда амалиётга татбиқ этиш мумкин. Хусусан, Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотларида галдаги вазифалар нималардан иборат бўлаяпти? Дахлдор идоралар билан ҳамкорлик самараси кўзга ташланаяптими?

Бу борада шошма-шошарликка йўл қўйиш кечириб бўлмас хатоликларга олиб келиши мумкин. Сир эмас, вилоят касабачилари ана шундай вазиятларда бўлди. Эскича қолип Мирзачўлда мева бермагач, узоқни кўзлаган иқтисодий ислоҳотларга умид боғланди Аҳолининг қарийб саксон фоизи қишлоқ хўжалигига боғланиб қолган вилоятда ер ресурслари босқичма-босқич ишбилармонлар қўлига ўтди. Ана шундай шароитда касаба уюшмалари билан ҳамкор-ҳамфикр бўла оладиган, аҳоли ўртасида таъсир доираси кучли маҳалла қўмиталари кўмагига умид боғланди. Ҳисоб-китобларга кўра ҳудудда қарийб 300 га яқин маҳалла қўмиталари фаолият кўрсатади. Ҳар бир одам, хонадон, уларга бегона эмас.

Шу боис маҳалла қўмиталари таркиби ўрганилди ва ана шу қайноқ масканнинг ўзи касаба уюшма сафига тортилди. Ахир қўмитада ҳам муайян ҳақ олувчилар мавжуд. Улар ҳимоясида ким туради. Тармоқ касаба уюшма ташкилотлар яна шу ҳамкорликка жалб этилиб, янги аъзоларни рўйхатга олиш, меҳнат шартномаси ва битимларини амалга оширишга отлантирилди. Маҳалла билан бақамти ҳаракат фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашнинг кучайишига олиб келди. Ўрни келганда бир мисол. Ўтган бир йилда касаба уюшмалари ва ташкилотларни жалб этган ҳолда 265 нафар ногирон, 1074 та кам таъминланган оила, 1795 та серфарзанд хонадон, 100 нафар уруш қатнашчиси, 47 нафар янги оила қурган ёшларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатилди. 52 нафар якка-ёлғиз кексалар уй-жойлари таъмирлаб берилди. Хусусан, Гулистон, Ховос туманларида ҳудудий касаба уюшма ташкилотларининг қишлоқ фуқаролар йиғинлари таркибидан жой олиши ва бу ердаги муаммолар ечимидаги иштироки таҳсинга лойиқ. Тўғри, ҳали ҳамма жойда ҳам жамоат ташкилоти иш қамрови яққол кўзга ташлангани йўқ. Айниқса, хусусий тармоқ бошланғичларида бўшашувчанлик кўзга ташланади. Ходимлар манфаати йўлида куйди-пишдичилик етишмаётгани ҳам бор гап. Касаба уюшмаларининг галдаги вазифаси ана шуларга чек қўйиш, муросасозликдан амалий ишга ўтишдан иборат бўлаяпти.

Маҳаллалар билан ишлашда ҳудуддаги аҳоли ижтимоий муҳофазаси, улар интилишлари ҳисобга олинаяпти. Ёшларга шароит яратиш, улар камолотини таъминлаш нафақат маҳалла, балки касаба уюшманинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Чунончи, тармоқ қўмиталари, вилоятдаги қатор маҳаллалар бу борада баҳамжиҳат ишламоқда. Масалан, агросаноат мажмуи ходимлари тармоқ кенгаши Сардоба туманидаги 4 та маҳалла билан келишувга эришган. Маҳаллалар маъмурий идоралар, махсус спорт хоналари учун жой ажратиб беришди. Касаба уюшма эса спорт анжомлари, зарур жиҳозлар билан таъминлади. Айни чоғда бу ерда меҳнаткашларнинг 450 дан ошиқ фарзандлари спорт тўгаракларига жалб этилиб, чиниқиши таъминланаяпти. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ҳам касаба уюшмалари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Чунки ижтимоий муҳофазалашнинг энг кафолатли усули аҳолини иш билан таъминлаш ҳисобланади. Касаба уюшма ва меҳнат бўлимлари ҳамкорлиги маҳсули ўлароқ ўтган тўққиз ойда 18 минг 170 та янги иш ўринлари яратилди. Эътиборлиси, бунинг 5983 таси хусусий секторлар улушига тўғри келади.

Вилоят бўйича барча манбалар ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш учун 10 миллиард 230 миллион сўмлик маблағ харажат қилинди. Ҳудудда иш ахтараётган фуқароларнинг 7419 нафари муқим иш билан таъминланди. Бозор муносабатлари шароитида мақбул иш ўрнига эга бўлишнинг турли синовлари мавжуд. Бироқ, бунга дош беролмайдиган қатлам манфаати ҳам бор. Улар ҳам ишлаши, даромад топиши керак. Ана шу жиҳатлар назарга олиниб, иш ўринларига рақобат қила олмайдиган фуқароларни жойлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада хизмат қилаётганлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, хавфсиз иш ўрни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ривожлантирилмоқда.

Бугунги авлод интилиши, ҳаракатлари билан ажралиб туради. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда вилоятда ҳам хориж технологияси асосида иш юритиб, сифатли, кафолатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган бир қатор объектлар қурилди. Айни чоғда, 30 дан ошиқ ана шундай чет эл билан ҳамкорликда барпо бўлган корхоналар ишлаяпти. Аммо иш маромини бир тарзда сақлаб қола олмаган, бозорда муҳим ўрин ололмасдан аросатда қолганлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Сайхунобод туманидаги «Сайхун поя» қўшма корхонаси бир неча йилдирки, ёлчитиб ишламайди. Сабаби хомашё йўқ.

Бугун маҳалла, меҳнат бўлимлари ҳамда касаба уюшмалари ҳал этиш лозим бўлган масалалар оз эмас. Чунончи, бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таназзулга юз тутган корхоналар ходимлари ижтимоий муҳофазаси ҳам оқсаб қолаяпти. Биргина Сирдарё вилоятида ўтган фурсат 33 та корхона тугатилди. Иш ўринлари қисқарган ташкилотлар билан қўшиб ҳисоблаганда 1346 нафар киши муқим иш жойларидан ажралишди. Бундай бўлиши табиий. Негаки, рақобат майдонида касаба уюшмалари ҳушёр туриши, ходимлар устуворлигига эришиш керак. Бу борада сусткашликлар бор, албатта. Иш қамрови қанчалик кенгайса, назардан четда қоладиган масалалар сони ҳам камаярди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари диққат-эътиборни ана шунга қаратишаяпти.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Қарор ва ижро*

# ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТ

***«Маҳалла» хайрия жамғармаси ХТБ, тиббиёт ходимлари, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари, ФҲДЁ, имом-хатиб, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, ИИБ ҳамда касб-ҳунар коллежлари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Бунинг натижасида ижтимоий таъминотга муҳтож оилалар, ҳомиладор аёллар, боқувчисини йўқотган кексалар, етим болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.***

Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши доимий назоратда. Туман ва шаҳардаги ҳар бир оила учун тиббиёт ходимлари ажратилган бўлиб, патронаж тизими йўлга қўйилди. Тиббиёт ходимлари маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда тасдиқланган жадвал асосида фаолият олиб боряпти.

Шунингдек, никоҳланувчи ёш оилаларни тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида аҳоли ўртасида яъни мактаб ва маҳаллаларда соҳа мутахассислари билан ҳамжиҳатликда давра суҳбатлари, учрашув, семинарлар мунтазам равишда ўтказиб турилибди. Жорий йилдан бошлаб диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига доир маслаҳатчилар билан ҳафтанинг шанба куни бевосита мулоқот ташкил этилмоқда. Суҳбатларда «Чўл ҳудудида яшовчи туғиш ёшидаги хотин-қиз чўпонларни моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш», «Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг, спиртли ичимликка ружу қўйишнинг олдини олиш», «Аҳоли ўртасида соғлом бола туғилиши, чақалоқни эмизиш, туғруқлар орасидаги оралиққа риоя қилиш, қариндошлар билан ҳамда эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари», «Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш» каби мавзулар хусусида сўз юритилмоқда. Иш ўрни яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Президентнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан биргаликда тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш устида бош қотириляпти. Давр талабидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолияти кенг қанот ёзаяпти. Жумладан, Шоира Ёдгорова АЁҚШ, Дилафрўз Жабборова «Бахт уйи», Клара Дўстова «Бичув цехи» ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Улар саъй-ҳаракати маъқулланди. Айни пайтда қурилиш жадал суръатларда давом этаётир. У туғаб, иш бошлангач, камида 45 - 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади. Шунингдек, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган, ширин ширмойи нонлар ёпаётган, нон ва сут маҳсулотларидан турли пишириқлар, ширинликлар пишириб сотаётган аёллар сони кун сайин кўпайиб бораётир.

Бундан ташқари, туманимизда спорт ишқибозлари талай. У инсонга соғликкина эмас, балки қомат расолигини, гўзаллигини ҳам бахш этади. Изланишларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз ўлароқ моҳир спортчи Зарина Мусаева раҳбарлигида 30 нафар 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган мурғак қизалоқни қамраб олган бадиий гимнастика тўгараги иш бошлади. Мавжуд 10 та майдонча қайта таъмирланди. 8 таси янгидан ишга туширилди. Эндиликда эса шаҳар марказида улкан спорт иншооти қурилиши режалаштириляпти.

**О.ЭРГАШЕВА,**
**Учқудуқ туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси**

*Хат йўлга чорлади*

# ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

***Таҳририятга Бухоро вилояти Шофиркон туман марказидаги Халил Жалилов номли кўчада яшовчи бир гуруҳ фуқаролар мактуб йўллаб, аҳолини табиий газ билан таъминлашдаги муаммоларни баён этган эдилар.***

Ушбу шикоят жойида ўрганилиб, ҳақиқий аҳвол билан танишилди. Мактуб муаллифлари П.Баҳронов, З.Ражабов, Д.Зарипова, Д.Маҳмудовалар билан учрашиб, батафсил суҳбатлашилганда, хатда келтирилган далиллар ўз исботини топди.

Хўжаориф маҳалласида 625 та оила бор. Уларда 2250 киши истиқомат қилади. Хонадонларнинг 95 фоизи зангори оловдан баҳраманд бўлаяпти. Фақатгина кейинги йилларда қурилган 15 та турар-жой газлаштирилмаган. Туман марказининг бош режаси асосида аҳолига томорқа ажратилган. Бироқ, хонадонларни газлаштиришнинг топографик лойиҳаси ишлаб чиқилмаганлиги учун бу муҳим иш орқага сурилиб келаяпти.

Ҳокимнинг биринчи ўринбосари А.Шарипов ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Каримов билан инфратузилманинг аҳволи, электр энергияси, ичимлик суви ва табиий газ таъминоти билан танишдик.

– Ҳудуддаги 13 та кўчанинг 12 тасида яшовчилар табиий газдан фойдаланишаяпти, - дейди оқсоқол. – Халил Жалилов кўчасидаги хонадонлар газлаштирилмаганлиги аҳоли норозилигига сабаб бўлаяпти.

Кўчаларни айланамиз. Замонавий уй-жойлар қад кўтарган. Ҳовлилар атрофига мевали ва манзарали дарахтлар экилган. Кўчага шағал ётқизилган. Ҳозирча асфальтлангани йўқ.

Муаммолар ўз-ўзидан юзага келмайди. «Зангори олов»ни кутавериб, тоқати тоқ бўлган П.Баҳронов, З.Ражабов, Т.Бобокалонов, Қ.Тоиров, Н.Бобокалонов кабилар ён қўшнилари Шофиркон вино заводига тортилган қувурлардан газ келтиришган. Ҳовлима-ҳовли, томма-том ўтиб келган «қўлбола» қурилмалар ёнғин хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермайди.

– Хонадонларимизга газ олиб келиш учун беш юз метрча қувур кетади, - дея изоҳ беради кўчабоши Пўлат ака Баҳронов. – Ҳар эҳтимолга қарши аҳолидан 600 минг сўм тўплаб қўйганмиз. Маҳаллий ҳокимият, мутасадди ташкилотлар ва ҳомийлар қўллаб-қувватласалар мушкулимиз осон бўлар эди.

Янги кўчани газлаштириш учун югур-югурлар беш йилдан бери давом этади. Лойиҳа тайёрлаш учун Бухоро шаҳридаги «Газчи» кичик корхонасига бир неча бор мурожаат қилишди. Аммо югурлардан натижа чиқмаяпти.

Эътиборсизлик, бошланган ишни охирига етказмаслик оқибатида якка-ёлғиз М.Қаюмова, ногирон Ч.Қандахарова, боқувчисини йўқотган Д.Ражабова ва О.Бурхонов, Т.Ҳайитов, И.Раҳимов, Г.Ҳакимова, Ҳ.Ахтамов сингари 15 та оила чой қайнатиш, овқат пиширишда ўтиндан фойдаланмоқда.

Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Абдураҳмон Шарипов «Ишонч» таҳририятига йўллаган хатида Х.Жалилов кўчасида қурилган турар-жойларни газлаштириш 2006 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан ҳал этилади, деб ваъда беради. Режа тезроқ амалга ошиб, хонадонлар газлаштирилса, айни муддао бўлур эди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳолисини табиий газ, сифатли ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Аммо, вилоят марказидан 50 километр олисда жойлашган туманнинг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Туман ҳокимлиги бош мутахассиси Рустам Азизовнинг таъкидлашича, 134 мингга яқин аҳоли яшайдиган Шофирконда хонадонларни газлаштириш 80,8 фоизни, ичимлик суви таъминоти 52 фоизни ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган даврида 7,5 километр ичимлик суви, 12,2 километр газ қувурлари тортилди.

Деҳқонобод, Жўрақул Орипов номли, Янгиобод, Чиғатой-1, Чиғатой-2, Қизилон, Қорабош, Бободарё, Чақар, Жилвон каби 20 та қишлоққа табиий газ, Дўрмон, Жаббор Сатторов, Пулбанги, Калон, Ўрганжий сингари ўнлаб мавзеларга ичимлик суви етиб бормаган. Бундай муаммолар туман газ таъминоти идораси бошлиғи Ҳалил Раҳмонов, «Сувоқава» корхонаси раҳбари Қобил Тойировларни ташвишлантирмаяпти.

Туман меҳнаткашлари давлатга дон, пахта, пилла сотиш шартномавий режаларини ошириб бажардилар. Қишлоқ ва маҳаллалар ободонлашиб, халқ фаровонлиги яхшиланиб бораяпти. Мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қад кўтармоқда.

Халқ талаби ҳақ талаб. Фуқароларнинг мурожаатлари ўз жойида синчковлик билан ўрганилиб, вақтида тегишли тадбирлар белгиланса, одамларнинг кўнгли хотиржам бўлади.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# АЁЛ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*Лавҳа*

***Раъно опани бу гал Қизилтепада, тўғрироғи Ўртачўлга кетадиган йўл бошида учратдим.***

Куз шамолида юзи қорайган, тийран нигоҳ ва ҳамон ўша-ўша шижоатли Раъно Валиеванинг чеҳрасидан меҳр нури ёғиларди. Ҳаёт деганлари жуда қизиқ экан. Тақдир кимнингдир юзини ўнг қўли билан силаса, кимнингдир юзига чап қўли билан тарсаки ураркан.

Қаршимдаги аёлга ҳавас билан боқаман. Ҳаёт синовларига ақл-идрок, жасорат ва матонатни қарши қўя билди. Меҳнатидан бахт топди, одамлар қувончи ва ташвиши билан яшади.

У бир вақтлар қизилтепалик аёллар ичида биринчи бўлиб пахта терим машинасини бошқарди. Ўшанда қишлоқдан чиққан оддий ўзбек қизининг довруғи марказгача етганди.

Раъно Валиевани оддий меҳнат кишиси деганлар адашади. Қизи тушмагур керак бўлганда ҳақиқат талаб ҳам бўлиб чиқиб, ўша давр каттаконларини шошириб қўйди. Тошработда ҳеч бўлганмисиз? Қизилтепадан 15-20 чақирим жанубдаги, бир томони Конимех чўллари билан туташиб кетган 30 минг аҳоли яшайдиган маскан далалари, экинлар сувсизликдан қақраб-қовжирарди. Қишлоқнинг шундоқ биқинидан ҳайқириб оқаётган Зарафшон суви Тошработ далаларига йўл топа олмасди. Бу тенгсизлик тошработликларни турли томонларга тўзғиб иш қидиришга мажбур қилганди.

Хатирчида ҳукумат раҳбарлари қатнашган катта йиғинда Раъно Валиева сўзга чиқиб, маҳаллий раҳбарларни халққа эътиборсизликда айблади. Очиғи, эски даврларда эл дардини минбардан очиқ, ошкора айтиш чинакам жасорат эди.

Раъно опани эл сийлади, ер суйди. Умр оқар сув, дейдилар. У бахтини эл-юрт хизматидан излади. Сиртдан бўлса-да ўқиб, олий маълумот олди. Агроном бўлиб ишлади. Доимо эл ардоғида яшади.

"Раъно пора билан қўлга тушганмиш", - деган ҳунук хабар нафақат тошработликларни, балки қизилтепаликларни ҳам ҳайратга солди. Наҳотки, кечагина ноҳақликка қарши кўкрагини қалқон қилган Раъно келиб-келиб мансабпараст бир ғаламиснинг иғвоси билан қамалиб кетадими? Ўшанда эркагу аёлнинг миясида мана шу ўй чарх урганди. Йўқ, ҳақиқат эгиладилар, лекин синмайди, дейдилар. Оқни қора деб бўлмайди. Раъно Валиевани қишлоқ фуқаролар йиғинига раис бўлишидан қўрқиб, туҳмат тошини отганлар ўшанда эл олдида шармисор бўлиб қолишди. Кўпинча оналаримиз "Аёл бошим билан-а" деганида Раъно Валиевани эслайман. Шунда кўз ўнгимда қонхўр босқинчи ёвга қарши курашган Тўмарис, Чотқол тоғларида босқинчиларга бўй бермаган Қурбонжон Додхоҳлар гавдаланади.

Бундан 5-6 йил бурун ёши 40 дан ошган бу аёлнинг кутилмаганда Ўртачўлдан ер олиб, чўлда қалдирғоч фермерлардан бўлиб иш бошлаши кўпчиликни ажаблантирди. Нима тошработликлар уни сиғдирмадими? Тошработ далалари торлик қилиб қолдими? Тинчгина уйида ўтирса бўлмасмиди? Мана-ман деган эркаклар чўл қийинчиликларига бардош беролмай ташлаб кетган бу ерларнинг меҳригиёси бормикин. Раъно опани Ўртачўлга ерга бўлган ёниқ меҳр, иштиёқ, одамларга муҳаббат бошлаб келганди. Раъно изидан ўнлаб тошработликлар чўлга отланишди. Қизилтепадан шарққа қараб кетган йўлдан 30-40 чақирим юрсангиз оппоққина бинонинг ўнг томонида Раъно Валиеванинг далалари кўзга ташланади. Бир пайтлар юлғунзор бўлган қақроқ ерлар бугунги кунда тамомила ўзгариб, яшнаб-яшариб кетган. Дала четидаги юпунгина бино ўрнида ҳашаматли уй қад ростлади. Раъно опанинг фермер хўжалиги қошида чорвачилик ҳам асосий ўрин эгаллади. Муҳими, пахта, ғалла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошди. Бу ишловчилар сонининг 15 кишига етишига, улар оиласи моддий манфаатдорлиги кун сайин ошишига бош омил бўлди. Раъно Валиева жорий йилда пахта ҳосилдорлигини рекорд кўрсаткичга етказди.

Айтгандай, қиш ойларида Қизилтепада "Раъно сенатор бўлибди" деган хушхабар тарқалди. Бу юртдошлари қалбини ғурур ва ифтихор туйғуларига лиммо-лим тўлдирди.

**С.АЪЗАМОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

# ҚАДДИНГНИ ҒОЗ ТУТ, БОЛАЖОН!

***Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб тарбияланишига алоҳида аҳамият берилаяпти. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» бўйича амалга оширилаётган ишлар бунинг яққол далилидир.***

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 5 та мактаб-интернат фаолият кўрсатиб, уларнинг бири шаҳримизда жойлашган. Бу ерда асосан ақлан заиф, жисмоний ривожланишда нуқсони бўлган вояга етмаган болалар тарбияланиб, таълим берилади.

Нуқсон билан туғилган фарзанд ота-онани, қариндошлари, яқинларини чуқур ўйга толдириши табиий. Ана шундай болаларни тарбиялаб, вояга етказишда таълим муассасаларининг ўрни катта. Таълим маскани 1941 йилда болалар уйи асосида ташкил этилган бўлиб, 1973 йилдан ёрдамчи махсус мактаб-интернат сифатида фаолият кўрсатиб келяпти. Айни пайтда бу ерда 213 нафар болалар таълим-тарбия олиш билан бирга саломатликларини ҳам тикламоқдалар.

Жамоамизда 84 нафар мураббийлар меҳнат қилади. Болажонларга ота-она меҳрини бера оладиган мураббийлар талайгина. Хабиба Самарова, Зуҳра Ҳамидова, Муҳаббат Мирзаева, Дилором Қодирова, Раҳим Аҳмедов сингари ўқитувчи ва тарбиячилар шулар жумласидандир. Болаларнинг саломатликларини тиклаш биринчи ўринда туради. Уларни даволаш учун махсус хоналар ажратилган. Керакли дори-дармонлар билан таъминланган. Ўтган даврда 220 минг сўмдан ортиқ дори-дармонлар олинган бўлса, унинг 128 минг сўмдан ортиғи ҳомийлар кўмаги билан амалга оширилди. Шаҳар болалар шифоатхонаси мутахассислари босқичма-босқич болаларни тиббий кўрикдан ўтказмоқдалар. Аниқланган касалликлар бўйича даволаш ва соғломлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

Бу ерда тарбияланувчиларнинг фикрлаш қобилиятини яхшилаш учун таълим-тарбиянинг коррекцион усулидан фойдаланилмоқда. Бу эса уларнинг нутқини яхшилаб, қўл-оёқ ва тана ҳаракатларида ўзгариш, ривожланиш бўлишини таъминлайди. Касалликларни олдини олиш бўйича тиббий ходимлар, ўқитувчи ҳамда тарбиячилар ўртасида 98 марта турли мавзуларда суҳбатлар ташкил этилди.

Ўқувчиларнинг соғлигини муҳофаза қилишда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис спорт майдончасида волейбол, баскетбол, узунликка сакраш, югуриш бўйича шароит яратилган. 300 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиниб, «Спорт бурчаги» ташкил этилди. Шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими, тармоқ касаба уюшма кенгаши, оталиқ ташкилотлар бу ишга яқиндан кўмаклашяптилар.

Билим масканида ўтказилаётган хайрия тадбирлари, турли кечалар таълимни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Шу йилнинг сентябр ойида «Сувдаги цирк» томошалари кўрсатилди. Бу болаларда катта таассурот қолдирди. Шоир Ўткир Нуриллаевнинг «Сатрларга синган изтироб» шеърлар тўпламининг тақдимот маросими ўтказилганлиги барчани қувонтирди. «Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим», «Ҳосил байрами», «Саёҳат», «Саломатлик куни», «Она тилим, сени улуғлайман», «Ватан мадҳи» сингари тадбирлар ўқувчилар дунёқарашини шакллантириб, уларнинг тезроқ соғайишларига ижобий кўмак беряпти.

Алоҳида ёрдамга муҳтожларга соғлом болалар каби тенг ҳуқуқли имкониятлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, таълимда услуб воситалар қайта кўриб чиқлиб, янги педагогик тажрибалар амалга ошириляпти. Ривожланишда нуқсони бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва бурчларини англаб олишларига оид тарбиявий ишлар йўлга қўйилганлиги уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ижобий натижалар бермоқда.

**Ш.ТУРДИЕВ,**
**Каттақўрғон шаҳридаги 5-ёрдамчи махсус ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори**



# ҚАНОАТЛАНГАН ЁШЛИК

Талабалик ёшликнинг гўзал ва сермазмун давридир. Бунда эгалланган илм инсонга бутун умр асқотади. Айниқса, сабоқдошлар ўртасида муҳим масалалар борасида кечадиган қизғин баҳс ва тортишувлар соғлом дунёқарашнинг шаклланишида бемисл хизмат қилади.

Куни кеча Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Халқаро талабалар кунига бағишланган «Зукко талаба» интеллектуал ўйини бўлиб ўтди. Олийгоҳнинг фикри теран ва заковатли ёшлари турли қизиқарли ва айни пайтда чуқур билим талаб этадиган саволлар бўйича ўзаро баҳслашишди. Ўйинда иштирок этган «Камолот», «Антиквар», «Заковат», «Шарқ» жамоалари аъзолари ўзларининг қанчалик кенг билим ва дунёқарашга эга эканликларини намойиш этишди.

– Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ёшларни юксак маънавиятли, халқимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Зеро, юртимиз номини дунёга машҳур қилиш, жаҳонда тенглар ичра тенг бўлишини таъминлаш улар зиммасидаги улуғвор вазифа ҳисобланади. Бундай тадбирларни кўплаб ташкил этиш йўлида тинимсиз фаолият олиб боряпмиз, – дейди институт бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Муҳаммадодилов.

Ўйин якунида фаол қатнашчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Т.ЭШТЎХТАРОВ**



*Бор бўл, оқибат*

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ ГУРУҲИ

Шовот тумани Халқ таълими бўлими мактабгача таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор бермоқда. Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан туманда «Соғломлаштириш гуруҳи» ташкил қилинди. Низомга кўра гуруҳ таълим-тарбия муассасаси бўлиб, бу ерда асосан нутқи ва жисмонан нуқсони бор ёшлар таълим-тарбия оладилар. Шунингдек, ёшларда меҳнат кўникмасини уйғотиш, ақлий қизиқишларини ўстириш, соғлиғини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади.

Айни пайтда гуруҳда 70 нафар бола тарбияланиб, даволанмоқда. Бу ерда улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Табиат бурчаги, шифобахш ўсимликлар хонаси, муолажа, дам олиш ва таълим-тарбияга мўлжалланган хоналар улар хизматида. Соғломлаштириш гуруҳида экологик тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Хоналарда гуллар ва табиатга оид расмлар ниҳоятда кўп.

Янги ташкил қилинган бу гуруҳнинг фаолият бошлашига бағишланган тантанали кечага «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, Шовот туман ҳокимлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раҳбарлари ёшларни даволаниши ва тарбияланиши учун зарур совға-саломлар билан қатнашдилар.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ВИТАЛИЙ КЛИЧКО – ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧЕМПИОН

WBC йўналиши раҳбарияти боксдаги фаолиятини ниҳоялаган украиналик ўта оғир вазнли боксчи Виталий Кличкога ушбу йўналишда хизмат кўрсатган чемпион унвонини тақдим этди. Бу унвон унга келгусида агар яна рингга қайтадиган бўлса, шу заҳотиёқ чемпионликка расмий даъвогар бўлиши мумкин.



Бу йўналишнинг асосий мукофоти 20 декабр куни Мексиканинг Канкун шаҳрида 33 ёшли Хасим Раҳмонга топширилади. Шу пайтгача чемпионлик камарига эгалик қилган Виталий Кличко 9 ноябр куни Хасим Раҳмонга қарши рингга чиқиши лозим эди. Бироқ, у жанг ўтишига уч кун қолганда, рингга чиқмаслигини маълум қилган.

*Футбол*

## КИНГА «ЮВЕНТУС» ХАРИДОР

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси ярим ҳимоячиси Рой Кинга Туриннинг «Ювентус» жамоасидан таклиф тушди. Унга кўра ярим ҳимоячи агар шу жамоа таркибида икки йил мобайнида тўп сурса 7 миллион евро миқдорида маош олади.

## ЭДГАР ГЕСС «ВЕТРА»НИ БОШҚАРАДИ



Литванинг «Ветра» жамоасига янги мураббий тайинланди. УЕФА расмий сайтининг маълум қилишича, Москванинг «Спартак» жамоаси ҳамда «Пахтакор»нинг собиқ футболчиси Эдгар Гесс «Ветра» жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Шартнома 2006 йилнинг декабр ойигача амал қилади.

«Биз Москвада учрашиб барча масалаларда келишиб олдик. У жамоа билан ноябр ойи охирида танишади», деб баёнот берган жамоа президенти Ронас Статаускас.

Ўтган мавсумда Владикавказнинг «Алания» жамоасида ишлаган 51 ёшли мутахассис шу йилнинг июл ойида ишдан кетган. «Ветра» жамоаси якунланган чемпионатда тўртинчи ўринни эгаллаб, Интертото Кубогида қатнашади. Жамоа президенти Статаускаснинг таъкидлашича, кейинги пайтларда жамоа ҳимоявий ўйинга ётиб олган. Шу боис у белоруссиялик Сергей Боровскийни ишдан бўшатган.

## ТЕННИС ТУРНИРИ

«Дўстлик» спорт мажмуаси кортларида Ўзбекистон теннисини ривожлантириш жамғармаси соврини учун очиқ турнир бўлиб ўтди. Унда Россия ва Қозоғистон спортчилари ҳам иштирок этди. Турнирда 100 дан ортиқ ёш теннисчи уч ёш гуруҳида ўзаро беллашди.

Мусобақада тошкентлик Т.Исмоилов, Д.Саидмуҳамедова, А.Коллегова, А.Шибика, наманганлик спортчилар Е.Нигматзянов ва М.Мирзакаримов ўз гуруҳида ғолиб чиқди.

## Спорт оламида

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида акробатика бўйича ўтган халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар совринли ўринларни қўлга киритди.

Унда ҳамюртларимиздан ака-ука Нажибулло ва Хабибулло Бобомуродов, Акром Абдуллаев, Сергей Каспарян, Илҳомжон Султонов, Нурмурод Дуйсенов ҳамда Бахтиёр Хўжаев кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, спортчи қизларимиздан Арофат Қодирова, Евгения Страганова ва Мадина Набиева олтин медални қўлга киритган бўлса, Евгения Лушникова, Анна Абляева, Ирина Хван кумуш медал билан тақдирланди.

* * *

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган самбо бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимиз Шавкат Жўраев 52 килограмм вазнлилар ўртасида олтин медални қўлга киритди.

Шунингдек, самбочиларимиздан Дамир Муҳидов ва Дилором Қамбарова биттадан бронза медалга сазовор бўлди.

*«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

# МАЖБУРИЙ БЕКОР ЮРГАН ДАВР УЧУН

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***Савол: ходимнинг мажбурий бекор юрган вақти учун ҳақ тўланадими?***

**Т.ЗОКИРОВА,**
**Бекобод тумани**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 188-моддасига мувофиқ, ходим меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум қилинган барча ҳолларда, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг меҳнат дафтарчасини унга ўз вақтида берилмаганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий бекор юрган давр учун иш ҳақи ундиришга ҳақли.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилиниши туфайли юзага келган меҳнат низоларини кўриб чиқиш пайтида, мажбурий ишланмаган давр учун ходимнинг талаблари меҳнат низоларини кўриб чиққан суд ёки меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан бир йилдан кўп бўлмаган вақт учун қондирилади. Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қаноатлантирилади. Ушбу қоидалар МКнинг 275-моддасида белгилаб қўйилган.

### ХОДИМНИ ВАҚТИНЧА БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

**Савол: ходимни доимий ёки вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?**

**М.ДАДАЖОНОВ,**
**Нурота тумани**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 92-моддаси талабларига биноан ходимни бошқа доимий ишга ўтказишга шунингдек, ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик малака ва лавозимига оид ишни топширишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришлар асос бўлади. Меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ҳолда чиқарилган буйруқ тилхат орқали (имзо чектириб) ходимга маълум қилинади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида ёзувлар меҳнат дафтарчасида қайд этилади.

Ҳозирги пайтда ходимларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш амалиётда кўп қўлланилмоқда. МКнинг 94-95-моддаларига биноан ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга ва ходимнинг розилиги билан вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати тамом бўлгач иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

Ходимнинг уни вақтинча бошқа ишга ўтказиши ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабабларга кўра келиб чиққан ва бундай ишлар корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши лозим.

Соғлиги ҳолатига кўра ёки ноқулай меҳнат шароити таъсиридан ҳоли бўлган бошқа ишга ўтказилган ҳолатларда ходимга дастлабки икки ҳафта муддат давомида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз ҳам вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилиши мумкин. Бошқа ишга ўтказишнинг чекланган муддатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва ишлаб чиқариш зарурияти ҳақидаги тартиблар корхонанинг локал хужжатларида, жамоа шартномалари ёки ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилиши ва касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик идоралари билан келишиб олинган ҳолда амалга оширилади.

*Қонун барчага баробар*

# «ҚАРЗДОР»ЛАРНИНГ СУЯНЧИҒИ КИМ?

***Солиқ идоралари ходимларининг асосий вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашдан иборат. Бунда солиқ тўловчиларга ёрдам бериш, уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш муҳим ҳисобланади. Зеро, солиқ механизми иқтисодиётни ривожлантириш ва бошқаришнинг бозор воситалари орасида етакчи ўрин тутади.***

Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи механизмларида ва давлат ихтиёрида фақат иқтисодий воситалар ва рағбатлар сақланиб қолиниши ҳамда уларнинг таркибий қисми солиқлар ҳисобланади. Энг муҳими, республикамизда солиққа тортиш тизими стратегик ва иқтисодий ислоҳотларнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли мақсадларига мос келиши талаб этилмоқда. Хўш, бунинг моҳиятини солиқ ходимлари, солиқ тўловчилар чуқур ҳис қилишаяптими?

Дўппи тор келгач, Ромитан туман солиқ инспекцияси вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Омад-Илҳом", "Анваржон-Амир", "Маъруф-Улфат" фирмаларини банкрот, деб топишни сўраган. Фирмалар тегишли тартибда туман ҳокимлигида рўйхатга олиниб, асосан савдо ва тижорат фаолияти билан шуғулланиб келган.

Туман ДСИ томонидан тақдим этилган маълумотномада кўрсатилишича, "Омад-Илҳом" фирмасининг бюджет олдидаги қарзи 124 миллион 608 минг сўмни ташкил қилган. Вилоят хўжалик суди фирма мол-мулкидан асосий қарз ва пеня билан бирга жами 125 миллион 307 минг сўм ундириш тўғрисидаги даъвони қаноатлантирган. Банк маблағи тўғрисидаги ҳужжатда маълум бўлишича, топшириқнома ижро этилмаган. Ҳатто фирманинг устав фонди-450.000 сўм ҳам ДСИ томонидан ундирилмаган.

"Анваржон-Амир" фирмаси фаолиятида ҳам худди шундай ҳолат кўзга ташланади. Далолатномада инспекция томонидан АТ "Ҳамкорбанк"ка қўйилган 7 та жами-689 миллион 327 минг сўмлик тўлов топшириқномалари бажарилмаганлиги қайд этилган. Аммо, ДСИ ходимлари суд жараёнида бундай ҳолатни тасдиқловчи бирорта ҳам ҳужжат тақдим этолмай, мулзам бўлиб қолишди. Фирма манзилгоҳига юборилган талабнома сохта бўлиб чиқди. Вилоят хўжалик суди томонидан "Анваржон-Амир" фирмасидан 25 миллион 672 минг сўмлик боқиманда қарз ундирилган. Ўзбекистон Республикаси "Замин" Давлат акционерлик ипотека банкига тўлов топшириқномалари қўйилганлиги тўғрисидаги туман ДСИдан олинган маълумотнома ёлғонлиги фош этилди. Шунингдек, "Маъруф-Улфат" фирмасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризага илова қилинган 8 та, жами-38 миллион 268 минг сўмлик тўлов топшириқномаси ҳам ижро этилмаган.

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади. Бу алдовлар кимларга керак эди? Улар кимларни лақиллатмоқчи бўлишди?

Суд жараёнида маълум бўлишича, "Маъруф-Улфат" фирмаси раҳбари Улфат Рауфов туман ДСИ ва "Замин" банкининг масъул мансабдор шахслари билан оғиз-бурун ўпишиб, олдиндан жиноий тил бириктиради. Тўлов топшириқномалар қўйилмаган бўлса-да, "Замин" банк ва "Ҳамкорбанк"ка 25 миллион 913 минг сўм қўйилган, деб маълумот беради.

Қизиғи шундаки, ДСИ АТ "Савдогарбанк"дан фирманинг ҳисоб рақами очилганлиги, маблағи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома олади. Бу ҳам етмаганидек, туман ДСИ масъул мансабдор шахслари АТ "Савдогарбанк"да 663 миллион 380 минг сўмлик тўлов топшириқномаси қўйилганлиги тўғрисида маълумот беришди. Банк раҳбарияти хўжалик судига тўлов топшириқномасида кўрсатилган сананинг нотўғри эканлигини билдиришди.

АТ "Ҳамкорбанк" бошлиғи Фазлиддин Самадов, туман ДСИ ва "Маъруф-Улфат" фирмаси раҳбари Улфат Рауповлар бир-бирини инкор этадиган маълумотлар бериб, судни чалғитмоқчи бўлдилар.

Ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракат, қўйилган эгри қадам жазога лойиқ. Суд шуларни ҳисобга олиб, ДСИ, банклар, фирмалар масъул шахслари устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми, "в" банди ва 209-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлиги сабабли жиноят иши қўзғатди. Улар мансабдор шахслар ишончини фирибгарлик, яъни алдаш ёки суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқларини қўлга киритмоқчи ва бюджетга жуда кўп миқдорда зарар етказмоқчи бўлишган. Иш ҳужжатлари дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Энг ёмони, туман ДСИ масъул мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 387-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларини қўпол тарзда бузишган. Тўлов топшириқномалари ўз вақтида қарздор корхоналар ҳисоб рақамига талабнома асосида қўйилмаган. Бюджет олди қарзларининг ўз вақтида ундирмаслик сабаблари, шубҳасиз, ана шу камчиликларга бориб тақалади.

**Я. АЗИМОВ,**
**Бухоро вилоят хўжалик суди судьяси**

